

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ № DSc. 03/30.12.2019.I.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕХКАНОВА НИЛУФАР САГДУЛЛАЕВНА

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.03 - «Саноат иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Doctor of philosophy (PhD) dissertation abstract

Дехканова Нилуфар Сагдуллаевна

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали

зривожлантириш3

Дехканова Нилуфар Сагдуллаевна

Эффективное развитие деятельности предприятий пищевой

промышленности29

Dekhkanova Nilufar Sagdullaevna

Effective development of the food industry enterprises55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ № DSc. 03/30.12.2019.I.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕХКАНОВА НИЛУФАР САГДУЛЛАЕВНА

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.03 - «Саноат иқтисодиёти»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt655 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Саматов Гаффор Аллакулович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Турсунов Бахтиер Муҳамеджанович
техника фанлари доктори, профессор

Муратова Шохиста Ниматуллаевна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «28» апрель соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. E-mail: tstu@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (253 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. E-mail: tstu@tdtu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «11» 04 кунни тарқатилди.
(2022 йил «11» 04 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Г.Ж.Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

М.А.Махкамova

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлаш шароитида асосий стратегик масалалар ечимини ҳал қилишда озиқ-овқат саноати муҳим аҳамият касб этмоқда. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши, бир томондан, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, иккинчи томондан эса, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини инновацион технологиялар асосида таъминлаш шароитида кечмоқда. Зеро, бугунги глобаллашув шароитида «...дунё бўйича озиқ-овқат саноати маҳсулотлари миқдори йилига 4 трлн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши сабабли озиқ-овқат саноати юқори даражада ривожланмоқда. Озиқ-овқат саноатида АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари устунлик қилмоқда»¹. 2020 йил маълумотларига кўра, «Европа Иттифоқи давлатларида озиқ-овқат саноати қайта ишлаш саноатидаги энг йирик иш билан таъминловчи ва йирик озиқ-овқат маҳсулотлари экспортчиси ҳисобланади»².

Истиқболда глобал иқлимнинг ўзгариши шароитида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин даражада ўсиши ва чекланган табиий ресурслар учун рақобат курашининг авж олиши маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мазкур ўзгаришларига мослашишини талаб этмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг АҚШ, Германия, Австрия, Хитой ва бошқа ривожланган давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш, корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳсулот қийматини яратиш занжирини баҳолаш каби масалаларга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса, дунё бўйича озиқ-овқат саноатини ривожлантириш долзарб масалалардан бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича кенг қамровли иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. «Маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, худудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш»³ муҳим вазифалардан ҳисобланади. Буларни устувор вазифа сифатида белгиланганлиги озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш муҳимлигини билдиради.

¹ <https://www.oborudunion.ru/largest/pischevoe-oborudovanie>

² <https://www.fooddrinkeurope.eu/resource/data-trends-of-the-european-food-and-drink-industry-2020/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4821-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон, 2020 йил 9 июндаги «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6244-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4821-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Озиқ-овқат саноати соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 581-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш масалалари бўйича хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан тизимли тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, П.Ф.Друкер, Б.З.Мильнер, М.Портер, Ф.Херцберг, Г.Эмерсон, Р.Allen, J.S.Bloise, R.Neff, Saima Hamid and Mohammad Yaseen Mir, M.Rizou⁴ ва бошқа олимларнинг илмий ишлари шулар жумласидан.

Шунингдек, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ҳамда маҳсулот қийматини яратиш занжири самарадорлигини баҳолаш бўйича МДХ давлатлари олимлари: Т.В.Андреева, Н.К.Васильева, Е.В.Доржиева, Н.В.Мальшева, Ш.А.Мусостов, Л.В.Парахина, А.В.Пилипук, А.А.Чичкин, Е.В.Хомутова, Е.Ю.Шутилина, Д.Ю.Якушков⁵ларнинг илмий ишлари натижалари эътиборга молик саналади.

⁴ Друкер П.Ф. Бизнес и инновации. – М.: Academia, 2009. – 221 с.; Мильнер Б.З. Теория организации: Учебник. - 7-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 864 с.; Портер М. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2010. – 592 с.; Херцберг Ф., Моснер Б., Блох Снидерман Б. Мотивация к работе. – М.: Вершина, 2007. – 240 с.; Эмерсон Г. Двенадцать принципов производительности. – М.: URSS, 2019. – 224 с.; Allen, P. (2004). *Together at the Table: Sustainability and Sustenance in the American Agrifood System*. PA: University Park Penn State University Press; Bloise J.S. The health and functional food market in Japan. – Tokio: Strategy Advisory Group SA, 2014. – 118 p.; Neff R. Introduction to the US Food System: Public Health, Environment, and Equity. – San Francisco: Jossey-Bass A Wiley Brand, 2014. – 576 p.; Saima Hamid and Mohammad Yaseen Mir. Global Agri-Food Sector: Challenges and Opportunities in COVID-19 Pandemic. *Frontiers in Sociology*. July 2021. Vol. 6. – 2021. – 11 p.; Rizou, M., Galanakis, I. M., Aldawoud, T. M. S., and Galanakis, C. M. (2020). Safety of Foods, Food Supply Chain and Environment within the COVID-19 Pandemic. *Trends Food Sci. Technol.* 102, 293–299.

⁵ Андреева Т.В., Болдырева Н.П. Методика оценки эффективности управления ценностной цепочкой продукта пищевой промышленности на региональном уровне // Креативная экономика. – 2019. – Том 13. – № 10. – с. 2007-2036; Васильева Н.К., Мезина С.А., Воротникова А.М. Анализ финансового состояния предприятий пищевой промышленности // Вестник Академии знаний. – 2020. – №. 2 (37). – С. 105-110;

Республикамизда ҳам Ҳ.П.Абулқосимов, З.А.Балташева, Н.М.Зиявитдинова, А.М.Кадыров, М.А.Маҳкамова, Н.М.Махмудов, Т.С.Расулов, Б.Т.Салимов, Г.А.Саматов, И.Ю.Умаров⁶ каби иқтисодчи олимлар томонидан озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган ҳамда эътиборга молик илмий натижаларга эришилган.

Мазкур олимларнинг озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришга қаратилган назарий ишланмалари, таклиф ва тавсияларининг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда қайд этиш зарурки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, озиқ-овқат кластерларини ташкил этиш ва шакллантириш механизмлари ва услубларини такомиллаштириш масалаларининг замонавий ёндашувлар асосида етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги ушбу йўналишда мақсадли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, ПЗ-20170928458-сонли «Қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни

Доржиева Е.В. Формирование и развитие конкурентоспособных агропромышленных кластеров на мезоуровне экономики: монография. – СПб.: Изд-во Санкт-петербургского университета управления и экономики, 2012. – 168 с., Малышева Н.В. Зарубежный опыт поддержки сельского хозяйства и пищевой промышленности в условиях коронавируса // Вестник Евразийской науки, 2020 №4; Мусостов Ш.А. Формирование стратегии развития пищевых и перерабатывающих предприятия АПК (на примере Республики Дагестан): дисс. к.э.н. 08.00.05. Махачкала 2018. – 172 с.; Парахина Л.В. Управление ресурсосберегающей деятельностью и оценка ее эффективности на предприятиях пищевой промышленности: автореферат дисс. к.э.н. 08.00.05. Орел 2013. – 24 с.; Пилипук А.В. Конкурентоспособность предприятий пищевой промышленности Беларуси в условиях построения Евразийского экономического союза. – Минск: Институт системных исследований в АПК НАН Беларуси, 2018. – 237 с.; Чичкин А.А. Пищевая промышленность в системе обеспечения продовольственной безопасности: автореферат дисс. к.э.н. 08.00.05. Москва 2009. – 23 с.; Хомутова Е.В. Производственный потенциал пищевой промышленности региона и его оптимизация: дисс. к.э.н. 08.00.05. Санкт-Петербург 2003. – 194 с.; Шутилина Е.Ю. Формирование инновационной политики предприятий: на примере предприятий пищевой промышленности: автореферат дисс. к.э.н. 08.00.05. Воронеж 2009, 24 с.; Якушков Д.Ю. Анализ рынка пищевой промышленности и перспективы его развития // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2018. - №6. – С. 216-218.

⁶Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. - Т.: «Fan va texnologiya», 2015; Балташева З.А. Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш. И.ф.н. дисс. 08.00.11-Маркетинг. Тошкент 2012, 175 б.; Зиявитдинова Н.М. Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш (Бухоро вилояти мисолида) И.ф.н. дисс. 08.00.04-Микроиқтисодиёт. Тошкент 2006.; Кадыров А.М. Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка. Научно-практическая конференция «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции» – Т.: 23 апреля 2018 г.; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс. док. экон. наук. – Т.: 2004. – 291 с.; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона (на примере Сырдарьинской и Джизакской областей Республики Узбекистан): дисс д.э.н. - Т.: 1992; Саматов Г.А., Рустамова И.Б. Инновационный техника ва технологиялар самарадорлиги ва унда техник-иқтисодий тадқиқотларнинг ривожлантирилиши. //Иқтисодиёт ва таълим. №1 2015. - 48-52 б.; Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (Андижон вилояти мисолида) И.ф.н. дисс. 08.00.03-Индустриал тармоқлар иқтисодиёти. Тошкент, 2009. – 148 б.

такомиллаштириш» (2018-2020 йй.) мавзуидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

озиқ-овқат саноатида қиймат занжири самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш;

маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш орқали озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини баҳолаш;

озиқ-овқат саноати ривожланишининг таҳлили асосида озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт-импорт қилиш ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

озиқ-овқат саноати ривожланишининг хориж тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб бериш;

озиқ-овқат саноатида қиймат яратиш занжирини лойиҳалаш босқичларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш услубларини такомиллаштириш;

инновацион кластер моделини яратиш асосида озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

эконометрик таҳлил қилиш асосида озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиз озиқ-овқат саноатида фаолият юритаётган корхоналар танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Тошкент вилояти озиқ-овқат саноати корхоналарида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг предмети озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш ва қиймат яратиш занжирини баҳолаш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида умумлаштириш ва статистик гуруҳлаш, қиёсий ва динамик таҳлил, тизимли ёндашув, эконометрик моделлаштириш, монографик, башоратлаш ва мантиқий ёндашув каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий, технологик, ижтимоий ва экологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда «технологиянинг инновационлик даражаси» ва «ресурстежамкорлик коэффициенти»ни оширишга қаратилган индикаторлар тизими тавсия этилган;

«Янги Тошкент консерва» масъулияти чекланган жамияти озиқ-овқат маҳсулотининг қиймат яратиш занжирида қўшилган қийматнинг 1,0 бўлган даражасида интеграл кўрсаткичи 0,671 ва қўшилган қиймат самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи 0,980 ни ташкил этгандаги вариантнинг оптималлиги асосланган;

Тошкент вилояти «Янги Тошкент консерва», «Меҳнат агрофирмаси», «Asven Distilleres» ва «Asianjam» каби озиқ-овқат саноати корхоналари негизида «Озиқ-овқат саноати инновацион кластери»ни ташкил этиш модели таклиф этилган;

озиқ-овқат саноати корхоналарида ялпи маҳсулотга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда регрессия модели асосида 2027 йилга қадар бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат саноати корхоналарида «ресурстежамкорлик коэффиценти» ва «технологиянинг инновационлик даражаси» кўрсаткичларини киритиш асосида иқтисодий самарадорликни баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантиришда инновацион кластер моделини ташкил этиш йўллари кўрсатиб берилган;

озиқ-овқат саноати корхоналарида иш ҳақи фонди, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси ҳамда ялпи маҳсулот омилларини ҳисобга олган эконометрик модель асосида прогноз кўрсаткичларини аниқлаш тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган ёндашувлар ва назарий усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик маълумотлар, озиқ-овқат саноати корхоналари ва статистик маълумотлар Давлат статистика қўмитаси расмий манбаларидан олинганлиги, шунингдек, озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш бўйича илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, амалиётга жорий этилганлиги ва уларнинг натижалари Тошкент вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш ва жорий этилаётган инновацион технологияларнинг самарали эканлигини асослаш имконини бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарали ривожланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда уларнинг олий таълим муассасаларида ўқитиладиган «Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги», «Саноат иқтисодиёти» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

озиқ-овқат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий, технологик, ижтимоий ва экологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда «технологиянинг инновационлик даражаси» ва «ресурстежамкорлик коэффиценти»ни оширишга қаратилган индикаторлар

тизими «Меҳнат агрофирмаси» ва «Янги Тошкент консерва» масъулияти чекланган жамиятларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 05/032-3775-сон, «Меҳнат агрофирмаси» МЧЖнинг 2021 йил 28 августдаги 10-сон, «Янги Тошкент консерва» МЧЖнинг 2021 йил 22 июлдаги 7-сон маълумотномалари). Ушбу услубий ёндашувнинг амалиётда қўлланилиши натижасида озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион технологияларнинг самарали эканлигини асослаш имконияти яратилган. Натижада, «Меҳнат агрофирмаси» МЧЖда инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига минг литр пиво бўйича фойда 3380 минг сўм, рентабеллик даражаси 44,2%, иқтисодий самара 555 минг сўми, ресурстежамкорлик коэффициенти 1,08, технологик инновационлик даражаси 94,87 ни ташкил этган;

«Янги Тошкент консерва» масъулияти чекланган жамияти озиқ-овқат маҳсулотининг қиймат яратиш занжирида қўшилган қийматнинг 1,0 бўлган даражасида интеграл кўрсаткичи 0,671 ва қўшилган қиймат самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи 0,980 ни ташкил этгандаги вариантнинг оптималлиги асосланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 05/032-3775-сон, «Янги Тошкент консерва» МЧЖнинг 2021 йил 22 июлдаги 7-сон маълумотномалари). Натижада, ҚЯЗ маҳсулоти мавжуд ва муқобил вариантларининг иқтисодий самарадорлиги қўшилган қиймат тузилмасининг интеграл кўрсаткичи ($КҚТК_{интj}$) ва ҚЯЗ маҳсулот самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи ($КҚСК_{интj}$) ёрдамида ҳисоблаб баҳоланди. Ҳисоблаш натижасида, «Янги Тошкент консерва» МЧЖ бўйича қуйидаги маълумотларга эга бўлинди: 1-вариант учун $КҚТК_{интj}$ ва $КҚСК_{интj}$ 0,490 ва 0,556 га тенг бўлиб, 2-вариант учун $КҚТК_{интj}$ ва $КҚСК_{интj}$ мос равишда, 0,671 ва 0,980 ни ташкил этган ҳамда 2-вариантнинг оптималлиги асосланган;

озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантиришда инновацион кластерни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган модель Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 05/032-3775-сон, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 01/022-439-сон маълумотномалари). Мазкур моделни амалиётга жорий этиш натижасида, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш имконияти яратилган;

озиқ-овқат саноати корхоналари ялпи маҳсулотининг 2027 йилгача аниқланган прогноз кўрсаткичлари Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 05/032-3775-сон, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 01/022-439-сон маълумотномалари). Натижада, ушбу истиқболли кўрсаткичларга эришиш Тошкент вилоятида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари, жами 7 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган. Уларнинг 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикадаги фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти асосланган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш ва баҳолашнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган, озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашув тавсия этилган, озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг қийматини яратиш занжири бўйича хорижий олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган ва уларнинг аҳамиятли жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат саноати маҳсулоти қиймат занжирининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган.

Озиқ-овқат саноати жуда кенг ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига кўра, озиқ-овқат саноати озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни ишлаб чиқариш қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади: маҳсулотларнинг хилма-хиллиги; ишлаб чиқариш қувватларидан нотекис фойдаланишга олиб келадиган айрим тармоқларнинг мавсумийлиги; хом ашё ва тайёр маҳсулотларни сақлаш муддати чекланганлиги; маҳсулот сифатига, уларнинг ассортиментига юқори талаблар қўйилиши; озиқ-овқат корхоналарида ишлайдиган ходимларнинг юқори малакага эга бўлиши ва бошқалар (1-расм).

Маҳсулотнинг қийматини яратиш занжири самарадорлигини баҳолашда қўшилган қийматнинг қўлланилиши шу билан изоҳланадики, қўшилган қиймат, тармоқ маҳсулотининг қийматини яратишда олдинги ишларни

ҳисобга олмасдан занжирнинг барча иштирокчиларининг (бўғинларининг) самарадорлиги ва реал ҳиссасини мажмуавий баҳолаш имконини беради.



1-расм. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари⁷

Озиқ-овқат саноати мисолида қўшилган қийматнинг шакллантирилиши хом ашё, ишлаб чиқариш ва дистрибуция бўғинлари жамланмаси билан тақдим қилинган. Занжирнинг хом ашё бўғинлари чорвачилик ва деҳқончилик тармоқларида фаолият юритадиган кишлоқ хўжалиги корхоналарини бирлаштиради. Ишлаб чиқариш бўғинларига озиқ-овқат саноатининг барча тармоқларидаги (гўшт, сут, балиқ, ун ва дон маҳсулотлари, макарон, нон, қандолатчилик, шакар, туз, ёғ-мой ва бошқалар) корхоналар киради. Дистрибуция бўғинлари умумий овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан улгуржи ва чакана савдо қилиш ташкилотларини қамраб олади. Шу боис, бундай занжирнинг самарадорлигини баҳолаш тизими унинг асосий бўғинлари кесимидаги кўрсаткичларни ўз ичига олиши лозим.

Муаллиф томонидан озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичлари тизими шакллантирилган (2-расм) бўлиб, анъанавий ҳамда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш қуйидаги 1-жадвалда баён этилган.

Диссертация ишида ушбу услубий ёндашув асосида озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичлари тизими тўртта таркибий қисмга бўлиб тавсифланган: иқтисодий, технологик, ижтимоий ва экологик самарадорлик кўрсаткичлар, шунингдек баҳолашнинг индикаторлар тизими ишлаб чиқилган.

Маълумки, озиқ-овқат саноатида маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш уларнинг ишлаб чиқаришнинг пировард кўрсаткичларига, биринчи навбатда маҳсулот ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат сарфларини қисқартириш ва маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ҳисобидан фойданинг ўсишига таъсир қилади.

Озиқ-овқат саноати маҳсулотини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни жорий этиш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсади ва натижада ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичлари тизими⁸

Шу боис, муаллиф томонидан ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларига ресурстежамкорлик коэффициенти ва технологиянинг инновационлик даражаси кўрсаткичларини киритиш таклиф этилган.

1-жадвал

Озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашнинг индикаторлари тизими⁹

Кўрсаткичлар		Ҳисоблаш формуласи
анъана-вий	инновацион	
Ялпи фойда, минг сўм		$YaF = SST - IT$ <i>YaF</i> – ялпи фойда, минг сўм; <i>SST</i> – маҳсулотларни сотишдан соф тушум, минг сўм; <i>IT</i> – сотилган маҳсулотнинг таннархи, минг сўм.
Ишлаб чиқариш бўйича рентабеллик даражаси, %		$R_{ich} = \frac{YaF}{IT} * 100\%$ <i>R_{ich}</i> – ишлаб чиқариш бўйича рентабеллик даражаси, %
Ресурстежамкорлик коэффициенти (<i>K_r</i>)		$K_r = \frac{IchX_i}{IchX_a}$ <i>IchX_i</i> – инновацион технологияни ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм; <i>IchX_a</i> – анъанавий технологияни ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм.
Технологиянинг инновационлик даражаси (<i>I_d</i>)		$I_d = \frac{\Delta YaF}{\Delta IchX} * 100$ ΔYaF – ялпи фойда ўсиши, минг сўм; $\Delta IchX$ – ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги тафовут, минг сўм.
	ялпи маҳсулот ўсиши	$\Delta YaM = YaM_i - YaM_a$ <i>ΔYaM</i> – ялпи маҳсулот ўсиши, минг сўм; <i>YaM_i</i> – инновацион технология бўйича ялпи маҳсулот, минг сўм; <i>YaM_a</i> – анъанавий технология бўйича ялпи маҳсулот, минг сўм.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги жадвалда келтирилган формула бўйича ҳисобланган ресурстежамкорлик коэффициенти $K_r > 1$ бўлса, инновацион технологияларни жорий этишда ресурсларнинг ортиқча сарфланганлигини билдиради, ресурстежамкорлик коэффициенти $K_r < 1$ бўлса, инновацион технологияларни жорий этишда ресурслар тежалганлигини кўрсатади.

Ушбу мезон ва кўрсаткичлар орқали озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни қайта ишлаш иқтисодий самарадорлигини ресурстежамкорлик ва технологияларни инновационлик даражаси нуктаи-назаридан ҳаққоний баҳолаш имконини беради.

Қуйида муаллиф томонидан озиқ-овқат корхоналари жорий этган инновацион технологияларни самарали эканлигини асослаш учун юқорида келтирилган услубият ёрдамида ҳисоб-китоблар амалга оширилган (2 ва 3 жадваллар).

2-жадвал

Қибрай тумани «Янги Тошкент консерва» МЧЖда ресурстежамкор технологиянинг инновационлик даражаси таҳлили (2020 йил)¹⁰

1 тонна консерваланган бодринг

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Анъанавий технология	Инновацион технология	Фарқи	
				(+,-)	%
Сотилган маҳсулотларнинг таннарни	минг.сўм	8765,1	8215,1	-550	93,7
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	минг сўм	12500	13670	1170	109,4
Ялпи фойда	минг сўм	3734,9	5454,9	1720	146,1
Рентабеллик	%	42,6	66,4	23,8	23,8
Ресурстежамкорлик коэффициенти	коэфф.	-	0,94	0,94	-
Технологиянинг инновационлик даражаси	%	-	312,7	312,7	-

Озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва инновацион технологияларнинг самарадорлигини объектив баҳолаш, маҳсулот нархи шаклланиши, технология доирасидаги моддий ва номоддий активлар таркибини ҳолисона баҳолаш жараёнларини осонлаштиради, озиқ-овқат саноатида энг кам харажат эвазига сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини мақбул тарзда режалаштириш имконини яратади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили**» деб номланиб, унда Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати соҳаси ривожланишининг таҳлили, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт-импорт қилишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили келтирилган, озиқ-овқат саноати ривожланишининг хориж тажрибаси ўрганилган ва улардан фойдаланишнинг мамлакатимиз шароитига мос жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Сўнгги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибида

¹⁰ «Янги Тошкент консерва» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

саноат қорхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш улуши ортиб борган. Жумладан, 2011 йилда унинг ЯИМдаги улуши 18,7 фоиз бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 28,5 фоизни ташкил этган. Озиқ-овқат саноати қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг саноат маҳсулоти умумий ҳажмидаги улуши 2010 йилда 18 фоизни ва 2020 йилга келиб бир оз камайиш тенденциясига эга бўлиб, 14,1 фоизни ташкил этган.

3-жадвал

Тошкент тумани «Меҳнат агрофирмаси» МЧЖда ресурстежамкор технологиянинг инновационлик даражаси таҳлили (2020 йил)¹¹

минг литр пиво


Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Анъанавий технология	Инновацион технология	Фарқи	
				(+,-)	%
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	минг.сўм	7055	7640	585	108,3
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	минг сўм	9880	11020	1140	111,5
Ялпи фойда	минг сўм	2825	3380	555	119,6
Рентабеллик	%	40,0	44,2	4,2	4,2
Ресурстежамкорлик коэффициенти	коэфф.	-	1,08	1,08	-
Технологиянинг инновационлик даражаси	%	-	94,87	94,87	-

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи қорхоналар сони ва уларни ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. 2016 йилда республикаимизда 9404 та қорхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 26782,3 млрд. сўмни ташкил этган, шундан, Тошкент вилоятидаги 1117 та қорхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 4329,3 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар 2020 йилда республика бўйича 19817 та қорхона (2016 йилга нисбатан 2 мартага ошган) 51647,7 (192,8 %) млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган, шундан, Тошкент вилоятига 2173 (194,5 %)та қорхона ва 8102,1 (187,1 %) млрд. сўмлик маҳсулот тўғри келади (3-расм).

Бугунги кунда мамлакат озиқ-овқат саноатида фаолият юритаётган 19817 та қорхонадан 100 дан ортиғи йирик қорхоналар ҳисобланади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишлаш қорхоналари ўртасида кооперация муносабатларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳамда аксарият ишлаб чиқариш технологияларининг ҳам моддий ҳам маънавий эскирганлиги сабабли уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси нисбатан пастлигича қолмоқда. Бу эса, юқори қўшилган қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда фойдаланилмаётган захиралар мавжудлигини кўрсатади. Зеро, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлаш даражаси пастлиги, маркетинг, логистика ва кооперациянинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги, озиқ-

¹¹ «Меҳнат агрофирмаси» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

овқат саноати маҳсулотлари ҳажмининг камайишига, унинг сифати ва рақобатбардошлигини кескин пасайишига олиб келади.



3-расм. Озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб бориш динамикаси (млрд. сўм)¹²

Ўзбекистон COVID-19 пандемияси даврида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишга турли чекловлар жорий этмаган санокли давлатлардан биридир. Бундан ташқари, мамлакатимизда пандемия даврида нафақат аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда узилишларнинг олдини олиш, юқори экспорт салоҳиятидан фойдаланиш мақсадида жаҳон бозорларида ўзининг озиқ-овқат секторини муваффақиятли сафарбар этишга муваффақ бўлди. Карантин чекловлари даврида аҳолини бевосита қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари иқтисодий инкирозни юмшатиш имконини берди ва аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларининг иқтисодий таъминотининг барқарорлик даражасини оширди.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ички ишлаб чиқариш ҳажми республикамизнинг табиий-иқлим шароити, соғлом овқатланиш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсиялари асосида республика аҳолисининг эҳтиёжларини истеъмол стандартларига мувофиқ амалда қамраб олади. Аҳоли жон бошига 2020 йилда: картошка – 91,0 кг (меъёр бўйича 52,6 кг), сут маҳсулотлари – 318,6 кг (115,8 кг), сабзавот – 301,8 кг (119,2 кг), мева – 82,9 кг (73,1 кг), гўшт маҳсулотлари – 40,2 кг (42,8 кг), қовун – 61,8 кг (23,8 кг), узум – 47,4 кг (17,5

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (<https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/industry>) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кг), тухум – 226 дона (219 дона) истеъмол қилинди (қавс ичидаги рақам – тиббий меъёр). Республикамизда ишлаб чиқарилган гўшт ва сут маҳсулотлари, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжларини тўла қондиради. Аммо, аҳолининг баъзи маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи, жумладан шакар – 5,7 кг (11,0 кг), гуруч – 5,3 кг (9,8 кг) ва балиқ – 4,2 кг (7,1 кг) маҳсулотлари бўйича етарлича қондирилмай келинмоқда.

Шунинг учун, озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни жадаллаштириш, қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, яқин йилларда Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати ривожланишининг жадаллашувини таъминлаш учун бир қатор муҳим муаммоларни ҳал қилиш лозим бўлади, яъни: озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ушбу соҳада замонавий инфратузилма тармоғини яратиш; асосий озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш салоҳиятини замонавий технологиялар ва бошқарув усулларида кенг фойдаланиш орқали модернизация қилиш; мамлакат ҳудудларида озиқ-овқат саноати, унинг корхоналари учун инвестицион жозибадорлигини ошириш; янада самарали бозор механизмлари ва воситалари ёрдамида озиқ-овқат саноати ривожланишини фаоллаштириш мақсадида халқаро тажрибани амалда қўллаш; глобал озиқ-овқат муаммолари контекстида озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун мамлакатимизда янги замонавий ва юқори технологияли озиқ-овқат саноати тармоқларини яратиш ва бошқалар.

Мамлакатимиз томонидан сотиб олинаётган маҳсулотларнинг аксарияти Швейцариянинг «Nestlé» компанияси, АҚШнинг «Cargill», «PepsiCo», «Kraft Foods», «Coca-Cola», «Kellogg's», «Mars», «General Mills» компаниялари ва Британиянинг «Unilever» компанияси каби дунёдаги энг нуфузли ўнта корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилади. Хорижий компанияларнинг самарали технологиялардан фойдаланиш, узоқ муддатли капитални киритиш, яхши ўйланган стратегия, йирик маркетинг бюджети, катта иш тажрибаси, сифатли логистика ва брендлар портфели, малакали менежмент, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби жиҳатларини республикамиз корхоналарида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси озиқ-овқат саноати корхоналарининг самарали ривожланишига кластер муносабатларини жорий этиш орқали эришиш мумкинлигини тасдиқлайди. АҚШ, Канада, Финляндия, Белгия, Франция, Италия, Нидерландия, Германия, Болгария, Венгрия ва Австрия каби хорижий мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кластерлари муваффақиятли фаолият юритиб, унинг иштирокчилари томонидан ҳам минтақа ва ҳам бутун мамлакат доирасида юқори иш самарадорлигига эришилмоқда.

Хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан Тошкент вилоятида озиқ-овқат саноати корхоналарининг инновацион

кластерини яратиш таклиф этилмоқда. Кластерни шакллантиришда, бир томондан, ҳудудда жойлашган манфаатдор компанияларнинг кластерни шакллантиришдаги фаол иштироки, иккинчидан, кластерни ташкил этиш ташаббусларини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш йўллари ва маҳсулотнинг қиймат яратиш занжирини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида озиқ-овқат саноатида маҳсулотнинг қиймат яратиш занжири (ҚЯЗ)ни лойиҳалаш босқичлари ва баҳолаш услублари, озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш жараёнларини прогнозлаштириш модели, озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантиришда инновацион кластерни ташкил этишга ёндашув илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Озиқ-овқат саноати корхонаси маҳсулотининг қиймат яратиш занжирини лойиҳалашнинг илмий моҳияти шундан иборатки, маҳсулот етказиб берувчилар учун хом ашё ва материалларнинг дастлабки манбаларидан тортиб, якуний истеъмолчига тайёр маҳсулотни етказиб беришгача бўлган тармоқлараро занжирни таҳлил қилишдир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, озиқ-овқат саноати корхонасида маҳсулотнинг қиймат яратиш занжирини лойиҳалаш босқичлари ва озиқ-овқат саноатида маҳсулотнинг қиймат яратиш занжирининг натижавийлигини баҳолаш услуби асослаб берилган (4-расм, 4-жадвал).

Озиқ-овқат саноати корхонаси маҳсулотининг ҚЯЗни лойиҳалаш ўзида бир нечта мантиқий тугалланган босқичларидан ташкил топадиган жараённи ташкил қилади, бу босқичларнинг ҳар бири умумий режанинг бир қисми ҳисобланади, ўзининг вазифасини ҳал қилади ва якуний натижага эга бўлади.

Озиқ-овқат саноати корхонаси маҳсулотининг ҚЯЗни лойиҳалашни маълум бир кетма-кетликда амалга ошириш таклиф қилинди.

Биринчи босқичда келтирилган услубият бўйича корхона маҳсулотининг амалдаги ҚЯЗнинг натижавийлигини бир нечта даврлар учун баҳолаш амалга оширилади (4-жадвал).

Келтирилган баҳолаш услуби ёрдамида корхонада қўшилган қиймат сифат даражасининг таркиб топган ўзгариш тенденциялари аниқланади, уларни таҳлил қилиш асосида хулоса шакллантириш имконини беради, яъни маҳсулотнинг ҚЯЗни «борича» қолдириш керакми ёки маҳсулот бўйича ҚЯЗнинг янги вариантини лойиҳалашга киришиш кераклиги аниқланади.

Лойиҳалашнинг иккинчи босқичи бошланғич хом ашё манбаларидан бошлаб то тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишгача якуний маҳсулотнинг тармоқлараро ҚЯЗни шакллантиришни кўзда тутди. Бу босқич охириги истеъмолчи учун маҳсулотнинг қийматини яратишда иштирок этадиган бўғинларнинг асосий фаолият турларини аниқлашга йўналтирилади.

Маҳсулот ҚЯЗнинг ҳар бир варианты учун қўшилган қийматнинг сифатини баҳолашнинг иккинчи ва учинчи гуруҳига кирувчи кўрсаткичлар


ҳисобланади. Маҳсулотнинг амалдаги ва муқобил ҚЯЗнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш қўшилган қиймат тузилишининг интеграл кўрсаткичи ($ҚҚТК_{интj}$) ва маҳсулотнинг ҚЯЗнинг интеграл самарадорлик кўрсаткичини ($ҚҚСК_{интj}$) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади (1-2 формулалар).

$$ҚҚТК_{интj} = 0,45 \cdot \overline{Қ_{\phi}} + 0,36 \cdot \overline{Қ_{ИХ}} + 0,19 \cdot \overline{Қ_A} \quad (1)$$

$$ҚҚСК_{интj} = 0,35 \cdot \overline{ҚҚ_{Тушум}} + 0,27 \cdot \overline{ҚҚ_{АКИ}} + 0,22 \cdot \overline{МУ} + 0,16 \cdot \overline{ҚҚ_{АВ}} \quad (2)$$

Бунда: $\overline{Қ_{\phi}}$, $\overline{Қ_{ИХ}}$, $\overline{Қ_A}$, $\overline{ҚҚ_{Тушум}}$, $\overline{ҚҚ_{АКИ}}$, $\overline{МУ}$, $\overline{ҚҚ_{АВ}}$ мос келувчи давр учун қўшилган қийматнинг сифат кўрсаткичлари дифференциал қийматлари, уларни ҳисоблаш (3) формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\overline{X_{ij}} = \frac{X_{ij} - X_{\min i}}{X_{\max i} - X_{\min i}} \quad (3)$$



4-расм. Озиқ-овқат саноати корхонасида маҳсулотнинг қиймат яратиш занжирини лойиҳалаш босқичлари¹³

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

бунда: \bar{X}_{ij} – j-давр учун i-кўрсаткичнинг дифференциалланган кўрсаткичлари; X_{ij} – j-давр учун i-кўрсаткичнинг амалдаги миқдори; $X_{\min i}$, $X_{\max i}$ – i-кўрсаткич бўйича минимал ва максимал қиймат.

4-жадвал

Озиқ-овқат саноати корхонасида маҳсулот қиймати яратиш занжирининг натижавийлигини баҳолаш услуги¹⁴

Биринчи босқич	Корхонада қўшилган қийматнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш (бир нечта давр учун)			
	<i>Биринчи гуруҳ</i>		<i>Иккинчи гуруҳ</i>	
	Корхонанинг қўшилган қиймати динамикасининг кўрсаткичлари		Корхонанинг қўшилган қиймат тузилишининг кўрсаткичлари	
Иккинчи босқич	Ўрнатилган оғирлик коэффициентларини ҳисобга олиш билан кўрсаткичларни ҳар бир баҳолаш гуруҳи бўйича корхонанинг қўшилган қиймати сифатининг умумлаштирувчи интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш			
	Корхонанинг қўшилган қиймати динамикасининг интеграл кўрсаткичи $ҚҚДК_{\text{инт}}$		Корхонанинг қўшилган қиймати тузилишининг интеграл кўрсаткичи $ҚҚТК_{\text{инт}}$	
	Корхона маҳсулоти қийматини яратиш занжирининг интеграл самарадорлик кўрсаткичи $ҚҚСК_{\text{инт}}$		Корхона маҳсулоти қийматини яратиш занжирининг интеграл самарадорлик кўрсаткичи $ҚҚСК_{\text{инт}}$	
Учинчи босқич	Мос келувчи вақт даврида корхона томонидан қўшилган қийматнинг эришилган сифат даражасини баҳолашнинг уч ўлчовли моделини яратиш, учта координаталар ўқида қурилади (0 дан 1 гача кесмада), жумладан:			
	1) $ҚҚДК_{\text{инт } j}$		2) $ҚҚТК_{\text{инт } j}$	
	3) $ҚҚСК_{\text{инт } j}$			
Тўртинчи босқич	Умумлаштирувчи уч таркибий қисмли кўрсаткични ҳисоблаш асосида мос келувчи давр учун корхонанинг қўшилган қиймати сифатининг эришилган даражасини аниқлаш			
	$S(ҚҚДК_{\text{инт } j}; ҚҚТК_{\text{инт } j}; ҚҚСК_{\text{инт } j})$			
	Қўшилган қиймат сифатининг юқори даражаси	Қўшилган қиймат сифатининг ўртача даражаси	Қўшилган қиймат сифатининг паст даражаси	Қўшилган қиймат сифатининг жуда паст даражаси

Ҳар бир кўрсаткичнинг оғирлик коэффициентлари эксперт баҳолашлар услуги ёрдамида аниқланган. Олинган қийматлар асосида маҳсулот ҚЯЗнинг муқобил вариантларини баҳолаш кўрсаткичлари матрицаси қурилади. 5-жадвалда «Янги Тошкент консерва» МЧЖ маълумотларига асосланган мисол келтирилган.

«Янги Тошкент консерва» МЧЖ 1-вариант бўйича қуйидаги тадбирларни ўз ичига олган маҳсулотлар ишлаб чиқаради: етказиб берувчиларнинг хом ашёсидан консервалар ишлаб чиқариш, улгуржи савдо ва маҳсулотларни савдо корхоналарига етказиб бериш. 2-вариант сабзавот экинларини етиштириш, сабзавотларни сақлаш, сабзавотларни консервалаш, улгуржи савдо қилиш ва маҳсулотларни савдо корхоналарига етказиб беришни ўз ичига олади.

Лойиҳалашнинг охири босқичида маҳсулот ҚЯЗнинг амалдаги вариантнинг қўшилган қиймати сифатининг интеграл ва баҳо кўрсаткичлари қийматларини муқобил вариантларнинг кўрсаткичлари билан

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

таққослаш асосида корхона учун маҳсулот ҚЯЗнинг оптимал вариантани танлаш амалга оширилди. Корхона учун ҚЯЗнинг кўпроқ афзал вариантлари интеграл кўрсаткичларнинг максимал қийматлари билан тавсифланади. 5-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, «Янги Тошкент консерва» МЧЖ учун 2-вариант консерва ишлаб чиқариш учун кўпроқ оптимал вариант ҳисобланади.

5-жадвал

«Янги Тошкент консерва» МЧЖ учун маҳсулот қиймат яратиш занжирининг (ҚЯЗ) муқобил вариантлари кўрсаткичлари матрицаси¹⁵

№	Кўрсаткичлар	Маҳсулот ҚЯЗнинг муқобил вариантлари	
		1	2
1	Корхона қўшилган қийматининг тузилиш кўрсаткичлари		
1.1	Қўшилган қийматнинг умумий суммасида фойданинг солиштирма оғирлиги ($\overline{K_{\Phi}}$)	0,458	0,613
1.2	Қўшилган қийматнинг умумий суммасида иш ҳақи коэффициенти ($\overline{K_{ИХ}}$)	0,50	0,605
1.3	Қўшилган қийматнинг умумий суммасидаги амортизация йиғимларининг улуши ($\overline{K_{А}}$)	0,547	0,932
	Корхона қўшилган қиймати тузилишининг интеграл кўрсаткичи ($\overline{K_{КТК_{интj}}}$)	0,490	0,671
2	Корхона маҳсулоти ҚЯЗ нинг самарадорлик кўрсаткичлари		
2.1	Минг сўм тушумга қўшилган қиймат ($\overline{K_{К_{Тушум}}}$)	0,501	0,986
